

Кенг кўламли ва самарали учрашувлар



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Остона шаҳрига келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Остона халқаро аэропортида Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Асқар Мирзахметов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Саммитда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилади.

Мажлисида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ШХТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашни кучайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Остона шаҳрида ШХТнинг Тошкент саммити қарорларини амалга ошириш бўйича Ҳиндистон ва Покистонни ташкилот аъзолигига қабул қилиш жараёни ниҳоясига етказилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТ саммити доирасида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашувлар ўтказди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Покистоннинг ШХТга аъзо давлат сифатида қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб, ташкилотга раислиги даврида бу масалага алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон ва Покистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 50 га яқин ҳужжат имзоланган. Мамлакатимизда Покистон инвестицияси иштирокида 55 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Покистонга пахта толаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кўнчилик хомашёси, қора ва рангли металллар, қурилиш материаллари, транспорт ва туризм хизматларини экспорт қилади. Покистон мамлакатимизга дори воситалари, кимё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беради, транспорт хизмати кўрсатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Покистон билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Покистон Бош вазири Навоз Шариф Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Ашраф Ғанининг учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.



Ўзбекистон ва Афғонистон халқларининг урф-одат ва анъаналари бир-бирига ўхшаш. Икки давлат ўртасида яқин қўшничилик алоқалари ўрнатилган, турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш, мамлакатда барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётини ривожлантириш позициясида қатъий эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавот, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилади. Қурилиш, энергетика, транспорт ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб келмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан Ҳайратондан Мозори Шарифгача темир йўл линияси қурилган. Мамлакатимиз кўмаги билан Афғонистонда кўприклар, юқори вольтли электр линиялари, оптик толали кабель линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилган.

Президент Ашраф Ғани Афғонистонда барқарор ҳаётнинг тикланишидаги Ўзбекистоннинг катта хиссаси Афғонистонда юксак кадрланишини таъкидлади ва бунинг учун миннатдорлик изҳор этди. 2016 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент саммити доирасида икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида эришилган келишувларнинг амалга ошишидан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси муносабати билан "Остона опера" Давлат опера ва балет театрида намоёиш этилган концертни томоша қилди.

9 июнь куни ШХТнинг Остона саммити доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев билан учрашди.



Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти билан бу галги учрашуви икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлик алоқаларни кенгайтиришда муҳим босқич бўлиши, Самарқанддаги учрашувда эришилган келишувларни мазмунан бойитишини таъкидлади.

Алмазбек Атамбоев ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий қардошлик муносабатлари, урф-одат ва анъаналари ўхшашлиги ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

Кейинги пайтларда икки давлат ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар алмашинуви амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз жамоатчилиги вакилларининг Андижон ва Ўш шаҳарларига ўзаро ташрифи бўлиб ўтди.

Президентлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШХТнинг Остона саммити доирасида Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.



Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Бош вазирини ШХТ саммитида Ҳиндистоннинг мазкур халқаро ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилинаётгани муносабати билан табриклади.

Шавкат Мирзиёев мазкур учрашув Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг 2016 йил

мамлакатимизга амалга оширган ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Нарендра Моди Ўзбекистон Ҳиндистонни ШХТга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қатъий қўллаб-қувватлаб келгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Ушбу тарихий воқеа ўзаро серқирра шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан яна бир бор табриклаб, икки мамлакат ўртасидаги мустақкам ишончга асосланган алоқалар бундан кейин ҳам ривожланиб боришига ишонч билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Айниқса, сиёсий мулоқотга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Томонлар бундан буён ҳам олий ва юксак даражадаги алоқаларни фаол ривожлантириш, мунтазам сиёсий маслаҳатлар ўтказиш, халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш амалиётини давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилар экан, 2016 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 15 фоиз ўсиб, 366 миллион АҚШ долларини ташкил қилгани таъкидланди. Бироқ бу кўрсаткич икки давлат имкониятларини тўлиқ акс эттирмайди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва таркибини диверсификация қилиш учун улкан салоҳиятга эга.

"Навоий" эркин иқтисодий зонасида "Минда" компанияси билан автомобиллар бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш, "Новафарм" ва "Ультра Хелс Кеар" компаниялари билан Сурхондарё вилоятида дори-дармонлар ва Тошкент вилоятида инъекция препаратлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналарнинг бунёд этилиши икки давлат ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликка мисол бўла олади.

Биргаликда дастурий маҳсулотлар яратиш ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотлар, пилла ва чармни чуқур қайта ишлаш, экспорт учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, автомобиль эҳтиёт қисмлари, электротехника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқариш каби соҳаларда истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Ҳиндистоннинг фармацевтика соҳасида бой тажрибасини инобатга олиб, ушбу

Йўналишда узоқ муддатли ҳамкорликни амалга оширишдан манфаатдор эканини билдирди.

[ЎЗА](#)